



14.01.2022 даги

Мароканд нефт база ва Прокуратура Самаркандской области ўртасида 89972691,39 сўм умумий суммага тузилган 104 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб	010
Шахсий газна хисобварак	100010860184017036200010001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4252500			
Январь	29 990 897,13			29 990 897,13
Февраль	29 990 897,13			29 990 897,13
Март	29 990 897,13			29 990 897,13
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	89 972 691,39			89 972 691,39

Жами 89972691,39 сўм

Саксон тўққиз миллион тўққиз юз етмиш икки минг олти юз
тўқсон бир сўм 39 тийин
сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан _____ сўм ёки _____ % *** шартноманинг умумий суммасидан
% ***20 _____ ойида тўланиши лозим.

(*) — Бюджет ташкилоти, бюджет маблаги олувчи ва БМЖ маблаги олувчи томонидан назначилик бўлинмасига икки нусхада төзабди.

(**) — Булум кичик бўйим ва харикат моддаси кўрсатилади:

(***) — Юкорнааги кўрсатилган суммадан ойига _____ % жорий ойнинг _____ санаснгача хар бўйда олдиндан тўланниш
доим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблаги олувчи ва БМЖ маблаги олувчи томонидан коммунал хизматлар
курсанти, аъзга хизматлари ва юнун хужжатларидан назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (инилар, хизматлар)
етказиб берни шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш холларида тўлдирилади).



Газначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

(имзо)

« ____ » 20 ____ й.

С.Х.Усмонов
Ф.И.Ш.

(имзо)

Ж.А.Лукмонов
Ф.И.Ш.

(имзо)

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

« ____ » 20 ____ й.

Нефть маҳсулотларини туғридан-туғри сотиши
ШАРТНОМАСИ № 104

«14» 01.2022 йил

Пастдаргом т.

“Мароканд нефт базаси” МЧЖ, кейинги ўринларда «Маҳсулот сотувчи» деб юритилувчи номидан НИЗОМ асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари А.И.Икрамов бир томондан ва «Самарқанд өйлёт прокуроратура» кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилувчи номидан низом асосида фаолият юритувчи Бош директор С.Х. Усмонов иккинчи тарафдан ушбу шартномани кўйидагилар хакида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Маҳсулот сотувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефт маҳсулотларини бериш, «Истеъмолчи» эса берилган нефт маҳсулотларини кабул килиб олиш ва хақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Сотиладиган нефт маҳсулотларининг турлари, уларнинг миқдори, нархи шунингдек, бериш муддатлари кўйидаги спецификация жадвалида келтирилади.

Нефт маҳсулотининг номи, русуми	Дав. СТТШ	Ўлчов бирлиги	Нархи	Миқдори	Суммаси
Автобензин Аи-80	O'zDst 3031;2015				
Автобензин Аи-91		Тўнис	12.044534	7.97	89.972691.39
Диз.ёнилғиси ЭКО	O'zDst 1134:2007				

Спецификация маълумотларидан томонлар ўз шартномавий мажбуриятларини бажаришда, жумладан «Истеъмолчи» буюртмаларни шакллантириша, «Маҳсулот берувчи» эса нефт маҳсулотларининг зарур захирасини олдиндан яратишни режалаштириша фойдаланиладилар.

2. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИССОБ – КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг тахминий умумий суммаси 89972691.39 сўмни ташкил қиласди.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2020 йил 4 май куни ўтказилган №27-сонли йигилиш баёнининг 23-бандига асосан бериладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Маҳсулот сотувчи» томонидан Бюджет ташкилотлари, пахта хомашёси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошхахартрансхизмат” АЖ, маший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиши бўйича давлат корхоналарига дизел ёкилғиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёкилғиси) ўтган ҳафтадаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртacha биржа нархларида шаклланади.

2.3. Сотиладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Маҳсулот сотувчи» томонидан бошқа истеъмолчиларга барча нефт маҳсулотлари, нефтни қайта ишлаш заводларидан биржа савдолари орқали сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари хамда сотиш бўйича нефт база устасидан шаклланади.

2.4. «Маҳсулот сотувчи», «Истеъмолчи»нинг буюртмаси олинган захоти берилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қиласди. «Истеъмолчи» мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефт маҳсулотлари партиясининг тегишли хажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни 5 кун ичida амалга оширади. Акс холда «Маҳсулот сотувчи» нефт маҳсулотлари учун янги жорий нархларни кўллаши мумкин.

2.5. Бериладиган нефт маҳсулотлари учун тўловлар «Маҳсулот сотувчи»нинг банкдаги ҳисоб ракамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. МАҲСУЛОТ СОТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари «Маҳсулот сотувчи»нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида унга берилиши сўралган нефт маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов хужжати нусхаси тақдим этилгандагина берилади.

3.2. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»нинг хошишига караб (истеъмолчидаги маҳсус автотранспорт воситаси бўлмаган тақдирда) «Маҳсулот сотувчи»нинг маҳсус автотранспортида белгиланган тартиб ва келишилган кўшимча нархлар асосида етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек «Истеъмолчи» томонидан барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя килиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган холда ўзига тегишли ёки ижарага олинган маҳсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари келишилган калькуляция асосида қайта кўриб чиқилади.

3.3. Нефт маҳсулотлари омборига нефт маҳсулотини ташувчи автомобиль цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс холда автотранспорт воситалари омбор худудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг кўйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун «Маҳсулот сотувчи» жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефт маҳсулотлари кўйилган автоцистерналар (Истеъмолчининг автотранспортида олиб кетиши ҳолатлари бундан мустасно) «Истеъмолчи»нинг талабига биноан «Маҳсулот сотувчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

3.5. Нефт маҳсулотлари ушбу шартноманинг 3.1. ва 3.2. бандида келтирилган хужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 2 кун ичida етказиб берилади. Нефть қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида «Маҳсулот сотувчи» томонидан «Истеъмолчи»ни бу ҳақда хабардор килинган холда томонлар етказиб беришнинг бошқа муддатини ўзаро келишиб олишлари мумкин.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефт маҳсулотлари миқдор бўйича қабул килиш “Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини миқдор жиҳатдан қабул килиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини сифат жиҳатдан қабул килиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-7-сонли йурикномалар хамда бошқа меъёрий хужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. «Истеъмолчи»нинг вакили нефт маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефт маҳсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли хужжатлар «Махсулот сотовучи»нинг омборида ёки унга қарашли филиалларда, айрим ҳолларда «Истеъмолчи»нинг худудида расмийлаштирилади ва уларни «Истеъмолчи» томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефт маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик хукуки, тасодифий нобуд бўлиши, нефт маҳсулотларига зиён етиш хавфи «Махсулот сотовучи» омбори ёки АЁҚШ худудидан чиккан вактдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтади.

5. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. «Махсулот сотовучи», «Истеъмолчи»га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефт маҳсулотларини беришини кафолатлайди. Сотиладиган нефт маҳсулотларининг сифати 1510 ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши хамда бу нефт маҳсулотларини маҳсус автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган хужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефт маҳсулотларини олишда «Истеъмолчи» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб килиш хукуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги конунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. «Махсулот сотовучи» нефт маҳсулотларини ўз вактида бермаганлик учун ҳар бир кечикирилган кун учун нефт маҳсулотлари сўммасининг 0,1 фоизи, лекин шартнома сўммасининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлади.

6.3. Етказиб берилган “Нефть маҳслотлари” учун ўз вактида ҳак тўланмаганда Хўжалик Етказиб берувчига муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлади, бирок бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.4. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Махсулот сотовучи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш хукуқига эга.

6.5. «Истеъмолчи» ўзининг худудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг кабул килишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал килинишига тўлиқ жавобгардир.

6.6. «Истеъмолчи» берилган нефт маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги конунларда назарда тутилган тартибида жавоб беради.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор холатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, курғоқчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар)) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибида иктисидий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг хукукий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг худудий газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал киласди.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«Махсулот сотовучи».

«Мароқанднефтбазаси» МЧЖ
Пастдаргомтумани ,Арабхонакишилоги
x/p 22604000000440931701
МФО 00432 «Узсаноатқурилишбанк» АТБ
Яшнобод филиали ИНН 202041686




А.И.Икрамов

Хуқуқшуносининг хulosasi: Ушбу шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 353 ва 354 моддалари хамда 437-456-моддалари хамда Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисидаги Конунинг 11 бўлим 31, 32, 34-моддалари талабларига жавоб беради

Хуқуқшунос

ИИНМС булими

“Истеъмолчи”



С.Х.Усмонов

